

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 313 Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» МХК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

Вазирликлар ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 23 июнь,  
164-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 23 июндаги 164-сон қарорига  
ИЛОВА

### Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш ҚОИДАЛАРИ

#### І боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоида «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва мулкчилик шакллари-

дан қатъи назар, юридик шахслар томонидан нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларининг етказиб берувчилари ва истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар иловага асосан схема бўйича амалга оширилади.

### 1-§. Асосий тушунчалар

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**автоматик қуйиш эстакадаси** — автомобиль цистерналарига нефть маҳсулотлари қуйиш операциялари бажарилишини таъминлайдиган қурилмалар билан жиҳозланган иншоот;

**автоматик тўкиш эстакадаси** — автомобиль цистерналаридан нефть маҳсулотларини тўкиш операциялари бажарилишини таъминлайдиган қурилмалар билан жиҳозланган иншоот;

**сифатини тиклаш (тузатиш)** — кондиция талабларига жавоб бермайдиган нефть маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини, тегишли сифат захираси бўлган шу маркали кондицияли нефть маҳсулотлари билан аралаштириш ҳисобига, талаб даражасига етказиш;

**темир йўл тўкиш-қуйиш эстакадаси** — нефть маҳсулотларини темир йўл цистерналаридан тўкиш ёки (ва) уларни темир йўл цистерналарига қуйиш операциялари бажарилишини таъминлайдиган тўкиш-қуйиш қурилмалари билан жиҳозланган махсус темир йўллардаги иншоот;

**сифат захираси** — ҳақиқий сифат кўрсаткичлари ва норматив сифат кўрсаткичлари қийматининг тафовути бўйича аниқланадиган миқдори;

**нефть маҳсулотининг сифати** — нефть маҳсулотининг белгиланган мақсадга мувофиқ муайян эҳтиёжларни қондиришга яроқлигини таъминлайдиган хусусиятлар мажмуи;

**кондицияли нефть маҳсулоти** — норматив ҳужжатнинг барча талабларини қаноатлантирадиган нефть маҳсулоти;

**нефть маҳсулоти** — углеводород (нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқалар) ёки органик синтез хом ашёсининг бошқа турларини қайта ишлашда олинадиган тайёр маҳсулот;

**ишлатилган нефть маҳсулоти** — норматив ҳужжатлар билан белгилаб берилган белгиланган муддатда ишлатилган ёки фойдаланиш жараёнида сифатини йўқотган ва жиҳозларнинг иш тизимидан (нефть мойи) тўкилган, шунингдек тозалаш иншоотлари ва таркибида нефть бўлган сувлардан чиқариб олинадиган (нефтли ювиб тозалаш суюқлиги, нефть ва нефть маҳсулотлари аралашмаси) сақлаш ва ташиш воситаларини ювиб тозалаш, тозалаш учун фойдаланишда ўзининг фойдаланиш хусусиятларини йўқотган нефть маҳсулоти;

**кондиция талабларига жавоб бермайдиган нефть маҳсулоти** — норматив ҳужжатлар талабларини қаноатлантирмайдиган нефть маҳсулоти;

**нефть маҳсулотини етказиб берувчи** — истеъмолчига нефть маҳсулоти етказиб беришни амалга оширадиган нефть маҳсулоти мулкдори ёки унинг томонидан ваколат берилган шахс;

**нефть маҳсулоти истеъмолчиси** — мақсадли равишда фойдаланиш учун етказиб берувчидан нефть маҳсулотини сотиб оладиган юридик шахс;

**сифат кўрсаткичи** — нефть маҳсулотини яратиш ва фойдаланиш ёки истеъмол қилишнинг муайян шартларига мувофиқ равишда кўриб чиқиладиган нефть маҳсулотининг сифатини ташкил қиладиган унинг бир ёки бир нечта хусусиятларининг миқдорий тавсифи.

## 2-§. Нефть маҳсулотларини сотиш

3. Нефть маҳсулотларини сотиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Нефть маҳсулотларини сотиш фаолияти (автомобиль бензини, авиабензин, дизель ёқилғиси, авиакеросин, мазут, печ ёқилғиси, нефть битуми, шунингдек заводда ўраб, идишга солиб қадоқлангандан ташқари техник мойлар ва мойлаш материаллари), жумладан автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари ва мой алмаштириш шохобчаларининг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига мувофиқ лицензияланиши керак.

5. Нефть маҳсулотларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва ҳажмлари Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори билан тасдиқланган Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган моддий балансларда белгиланади.

6. Давлат эҳтиёжлари, узоқ муддат сақлаш корхоналари, ишлаб чиқарувчиларнинг ички тармоқлари эҳтиёжлари, истеъмолчилар учун нефть маҳсулотларини сотиш биржалар ва кимовши савдоларида тўғридан-тўғри шартномалар, комиссия шартномалари бўйича, шунингдек экспортга сотиш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

7. Нефть маҳсулотларини сотиш ва улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ «Ўздавнефтегаз-инспекция» томонидан амалга оширилади.

**II боб. Нефть маҳсулотларини бериш ва қабул қилиш****1-§. Нефть маҳсулотларини бериш ва қабул қилишнинг умумий қоидалари**

8. Нефть маҳсулотларини етказиб бериш ёки олди-сотди шартномаси бўйича етказиб берувчилар берадилар, олувчилар эса қабул қиладилар, шартномада кўрсатилган иккала томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигидан ташқари қўйидагилар келишиб олинishi керак: бериш ва қабул қилиш шохобчалари, иккала томон вакилларининг иштирок этишининг зарурияти, намуна олиш жойи ва методи, ўлчаш методининг нисбий хатолик чегаралари кўрсатилган ҳолда нефть маҳсулотлари миқдорини ўлчаш методлари, Инкотермс (франко-завод, франко-ташувчи ва бошқалар) қоидаларини қўллаш.

9. Нефть маҳсулотларини бериш ва қабул қилиш технологияси нефть маҳсулоти етказиб бериладиган ва юклаб жўнатиладиган транспорт воситаларининг турига, тўкиш-қўйиш операцияларининг жадаллигига, иқлим шароитларига ва нефть маҳсулотларининг физикавий-кимёвий хоссаларига боғлиқ бўлади.

10. Нефть маҳсулотларини бериш ва қабул қилиш қўйидаги стационар тўкиш-қўйиш қурилмалари:

темир йўл вагонлари-цистерналарига ва контейнер-цистерналарига — махсус эстакадаларда, алоҳида устунлар ёки тўкиш қурилмалари орқали;

автомобиль цистерналарига ва контейнер-цистерналарига — қўйиш станцияларида, автоэстакадаларда алоҳида устунлар орқали;

бочкалар, бидонлар ва бошқа идишларга — қўйиш ва қадоқлаш бўлимлари орқали амалга оширилиши керак.

Стационар тўкиш-қўйиш қурилмалари мавжуд бўлмаганда нефть маҳсулотларини қабул қилиш ва бериш бўйича операцияларнинг махсус кўчма ҳайдаш воситалари томонидан бажарилишига йўл қўйилади.

11. Нефть маҳсулотларини бериш ва қабул қилишда уларнинг миқдори етказиб бериш ёки олди-сотди шартномасида кўрсатилган ўлчаш методлари билан ҳамда сифат тавсифини муайян нефть маҳсулотига белгиланган норматив ҳужжат билан аниқланади.

12. Нефть маҳсулотларини бериш «ГОСТ 1510-84 (кейинчалик — ГОСТ 1510) Нефть ва нефть маҳсулотлари. Маркировкаш, ўраш, транспорт воситасида ташиш ва сақлаш»га, транспортнинг ҳар бир турида амалда бўлган йўриқномалар, қоидаларга мувофиқ тайёрланган ҳамда қиёслаш сертификацияга эга бўлган темир йўллар, автомобиль цистерналари ва ихтисослаштирилган контейнер-цистерналарда, шунингдек кичик истеъмол идишларида амалга оширилади.

13. Нефть, мазут, мойлар, битум ва физикавий-кимёвий хоссалари уларга ўхшаш нефть маҳсулотларини «Бензин» трафарет ёзувига эга бўлган цистерналарга беришга йўл қўйилмайди.

14. Нефть маҳсулотларини илова хужжатларисиз цистерналарга беришга йўл қўйилмайди.

15. Авиация техникасида фойдаланиладиган нефть маҳсулотлари алоҳида танланган цистерналарга берилади. Ушбу цистерналарга бошқа нефть маҳсулотларини беришга рухсат берилмайди.

16. Нефть маҳсулоти нефть маҳсулотининг маркаси ва массаси кўрсатилган ҳолда белгиланган шакллардаги темир йўл ёки товар-транспорт накладной, шунингдек сифат паспорти ва мувофиқлик сертификати билан бирга берилади.

17. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш жараёнида юклаш миқдори ва сифатининг жўнатиш хужжатларига номувофиқлиги аниқланганда идоравий техникавий нормалар ва қоидалар билан белгиланган тегишли хужжатлар расмийлаштирилади.

18. Нефть маҳсулотлари омборлари, темир йўл ва автомобиль тўкиш-қуйиш эстакадалари, қўйиладиган, қадокланадиган, тарқатиладиган ва бошқа бинолар, иншоотлар ҳамда асбоб-ускуналар амалдаги қурилиш нормалари, қоидалари ва стандартлари талабларига жавоб бериши керак.

19. Нефть маҳсулотларини бериш ва қабул қилишда Давлат реестрига киритилган ва қиёслаш сертификатларига эга бўлган, белгиланган тартибда қўллашга рухсат берилган асбоб-ускуналар ва ўлчов воситаларидан фойдаланилиши керак.

20. Қиёслашдан ва давлат метрология аттестациясидан ўтмаган ўлчов воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

## **2-§. Нефть маҳсулотларини темир йўл вагонлари-цистерналари ва контейнер-цистерналарига бериш ҳамда улардан нефть маҳсулотларини қабул қилиш**

21. Нефтни қайта ишлаш заводларида ва нефть базаларида темир йўл вагонлари-цистерналари (контейнер-цистерналар)да ташиладиган нефть маҳсулотларини бериш ва қабул қилиш операциялари, қоидага кўра, махсус бир ва икки томонлама эстакадалар, қуйиш ёки тўкиш қурилмалари, тозалаш ва ҳаво-вакуумли коллекторлар, мазут ва мойлар учун оралиқ резервуарлар, нефть маҳсулотини ҳисобга олиш боғланмалари, қиздириш приборларини кўтариш ва тушириш ҳамда цистерналарни майдонлар бўйлаб кўчириш воситалари билан жиҳозланган кириш йўли мавжуд бўлган темир йўлларда амалга оширилиши керак.

Истеъмолчиларнинг омборлари ва базаларида темир йўл вагонлари-цистерналари (контейнер-цистерналар)да ташиладиган нефть маҳсулотларини бериш ва қабул қилиш операциялари, қоидага кўра, хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда ушбу операциялар учун мўлжалланган кириш йўли мавжуд бўлган темир йўлларда амалга оширилиши мумкин.

22. Боши берк темир йўлларнинг тўкиш-қуйиш эстакадалари ёнғин ҳолатида вагон-цистерналарни узиб қўйиш ва ёнғин ҳудудидан узоқлаштириш имконини берадиган қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

23. Нефть маҳсулотларини қўйиш учун қўйиладиган вагон-цистерналар ва контейнер-цистерналар соз ҳолатда бўлиши, илгари ташилган нефть маҳсулотларидан тозаланган бўлиши, ГОСТ 1510 ва идоравий техник нормалар ва қоидалар талабларига жавоб бериши керак.

Контейнер-цистерналар техник паспортга ёки даврий равишда текширувдан ўтказилганлигини тасдиқлайдиган сертификатга эга бўлиши керак

Вагон-цистерналарнинг нефть маҳсулотлари қўйиш учун яроқлилиги юк жўнатувчи томонидан аниқланади.

24. Қўйиш олдидан барча цистерналар хавфли юкларни ташишнинг техник нормалари ва қоидаларида белгиланган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳолда техник кўрикдан ўтган бўлиши керак.

Нефть маҳсулотларини қўйиш учун техник кўрикдан ўтмаган ва бундай нефть маҳсулотларини ташиш учун уларнинг яроқлилиги эътироф этилмаган цистерналардан фойдаланиш тақиқланади.

25. Нефть маҳсулотларини қўйиш автоматлаштирилган шарнирли бириктирилган ёпиқ шлангсиз тизим бўйича ёки цистерналарга тошириб қўйишининг бартараф этилишини таъминлайдиган қўйишнинг автоматик чеклагичлари билан жиҳозланган телескопик қурилмалар, шунингдек буларни регенерация қурилмаси ёки газ йиғиш тизимига чиқариб юбориш билан қўйишни герметизация қилиш (зичлаш) қурилмалари билан амалга оширилиши керак. Қўйиш қурилмасининг пастки бўғини зарба бўлганда учқун юзага келишига йўл қўймайдиган металлдан тайёрланган бўлиши лозим.

Зарба бўлганда учқун юзага келишига йўл қўймайдиган металлдан тайёрланган ерга уланган симга эга бўлган учлик шланг рукаваларни қўллашга рухсат берилади. Рукаваларнинг учлик билан узунлиги цистернанинг тубига унинг тушишини таъминлаши лозим.

26. Нефть маҳсулотини қўйиш жараёнида темир йўл цистернасида (контейнер-цистернада) унинг оқиши аниқланганда оқишни тўлиқ бартараф этгунга қадар қўйиш зудлик билан тўхтатиб турилиши керак. Оқишни бартараф этишнинг имкони бўлмаганда цистернани қўйилган нефть маҳсулотидан бўшатиш ҳамда жўнаш станциясига қайтариб юбориш лозим.

27. Цистерналарни тўкиш-қўйиш эстакадалари ҳудудида таъмирлаш тақиқланади.

28. Темир йўл цистерналарига (контейнер-цистерналарга) нефть маҳсулотларини қўйиш суюқ қатлам остида тўлдириш даражаси белгилангунга қадар сачратмасдан ва тўкмасдан, бораётган йўлда харорати ошишидан кенгайиши имконини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

29. Юқори ковушқоқли нефть маҳсулотларининг музлашига йўл қўймаслик учун қўйиш коммуникацияларида нефть маҳсулотининг унда айланиб туриши (циркуляцияси)ни амалга ошириш лозим. Айланиб туришни таъминлаш учун насосларни ошириш бериш қўйиш учун талаб қилинадиган баландликдан 30 фоиз юқори бўлиши керак.

30. Қўйиш тугаллангандан кейин қўйиш қурилмалари (рукавалар) фа-

кат ундан нефть маҳсулоти тўлиқ оқиб бўлгандан кейин цистерналар тўйнуқлари оғзидан чиқариб олиниши керак.

31. Нефть маҳсулоти қолдиқларидан қўйиш қурилмалари ва коллекторларни бўшатиш дренаж қувурлар ва сўриш насослари ёрдамида амалга оширилиши керак.

32. Цистернадаги (контейнер-цистернадаги) қўйилган нефть маҳсулоти сатҳи ўлчангандан кейин унинг тўйнугининг қопқоғи герметик зич (прокладкаларда) ёпилиши керак. Қопқоқ эҳтиётлик билан зарбаларсиз ёпилиши лозим.

33. Цистерналардан нефть маҳсулотини тўкишдан олдин темир йўл ва маҳсус ташкилотлар (шартномага асосан) вакиллари билан юк жўнатувчининг пломбалари бутунлигини ва илова қилинган ҳужжатлари мавжудлигини текшириш, амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ намуналар олиш, етказиб бериш ёки олди-сотди шартномасида кўрсатилган метод билан нефть маҳсулотининг массасини аниқлаш керак.

34. Нефть маҳсулотларини тўкиш, қоидага кўра, ёпиқ (герметик) усулда цистерналарнинг пастки тўкиш приборлари ва пастки тўкиш қурилмалари орқали амалга оширилиши керак, улар носоз бўлганда ёки тўкиш мавжуд бўлмаганда тез аланга олувчи нефть маҳсулотларини вакуум-насослар ва нефть маҳсулотининг тўлиқ тўкилишини таъминлайдиган бошқа воситаларни қўллаган ҳолда цистерналар оғзи орқали амалга оширишга йўл қўйилади.

Чакнаш ҳарорати 120° С дан юқори бўлган нефть маҳсулотларини ва мазутларни тўкиш учун рельс оралиғи очиқ тўкиш қурилмалари ёки қопқоқлари ечиладиган ён коллекторлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

35. Тўкиш жараёнида нефть маҳсулотининг буғланиб кетишдаги йўқотишларни қисқартириш, электрланишини ва кўпик ҳосил бўлишини камайтириш мақсадида тўкиш қурилмаси пастки бўғинининг узунлиги унинг цистернага туширилиши цистерна қозонининг пастки ҳосиласидан 200 мм дан ортиқ бўлмаган масофада бўлиши таъминланиши керак.

36. Темир йўллар цистерналаридан нефть маҳсулотларини тўкиш қабул қилиш резервуарларга мажбурий усулда (насослар ёрдамида) ёки ўз оқими билан амалга оширилиши керак. Тўйинган буғлар босими юқори бўлган бензинларни тўкиш учун юқоридан тўкиш учун ўзи сўрмайдиган марказдан қочувчи насослар қўлланилганда ёки резервуардаги нефть маҳсулоти сатҳи ва насос ўқи ўртасидаги белгининг кичик фарқи бўлганда ишончли сўрилиши ва нефть маҳсулотининг темир йўллар цистерналаридан тўлиқ тўкилишини таъминлайдиган қурилмалардан (вакуумли насослар, чўқувчи эжекторлардан) фойдаланиш керак.

37. Чуқурлаштирилган оралик резервуарларида ўз оқими билан тўкилишида улардан нефть маҳсулотини ер усти резервуарларига бир вақтда тортиб чиқариб олинишини таъминлаш зарур.

Оралик резервуарлари цистерналардан бир вақтда тўкиладиган сивим суммасининг 75 фоизига тенг бўлган сивимга эга бўлиши керак. Ушбу резервуарлардан нефть маҳсулотини насос билан тортиб чиқариш унумдорли-

ги уларни тўлдириш унумдорлигининг камида 50 фоизини ташкил қилиши керак. Бунда сизим тошиб кетишдан ҳимояга эга бўлиши керак.

38. Цистерналар ва тўкиш-қуйиш қурилмаларидаги қотиб қолган нефть маҳсулотларини қизитиш зарурияти бўлганда буғ, иссиқ сув ёки электр иситгичлар қўлланилади. Очиқ алангадан фойдаланиш тақиқланади.

39. Темир йўллар цистерналарини тўкиш ва уларга қуйиш учун келтириш фақат аввалги цистерналарга қуйиш ва улардан тўкишда темир йўллар тўкилган нефть маҳсулотларидан пухта тозалаб ташлангандан кейин рухсат берилади. Тўкиш-қуйиш операцияларини бажариш вақтида тўкилган нефть маҳсулотлари йиғиб олинади, тозалаб олинган жойга қум сепилади.

40. Қуйиш ва тўкиш жараёнида ушбу Қоидаларда назарда тутилмаган қисмларда амалдаги идоровий йўриқномаларга, техник нормалар ва қоидаларга амал қилинади.

### **3-§. Нефть маҳсулотларини автомобиль цистерналари, контейнер-цистерналарга бериш ва нефть маҳсулотларини улардан қабул қилиб олиш**

41. Автомобиль цистерналарига нефть маҳсулотларини бериш (қуйиш) автоматлаштирилган қуйиш тизими, автоматик тарзда қуйиш эстакадалари ва якка устунлар орқали, шунингдек махсус кўчма ҳайдаш воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

42. Автомобиль цистерналари, тиркамалар ва ярим тиркамалар, контейнер-цистерналарга нефть маҳсулотларини қуйиш учун махсус, шу жумладан автоматлаштирилган, ҳисобга олиш-дозалаш қурилмалари, масофадан бошқариш пулти билан, қуйиш жараёнида тўлиб кетишини бартараф этиш ва герметиклаш (зичлаб ёпиш) қурилмалари билан жиҳозланган, шунингдек қуйилаётган нефть маҳсулотларининг масса (ҳажм) бирликларидаги миқдорини автоматлаштирилган тарзда ўлчаш тизимлари билан жиҳозланган юқори ва пастки қуйиш қурилмаларини қўллаш керак.

43. Гидравлик зарбаларни камайтириш, статистик электр пайдо бўлишининг олдини олиш ва нефть маҳсулотларини қуйиш сатҳининг жуда аниқ баландлигига эришиш учун қуйиш қурилмаси қуйишнинг бошланғич ва якунловчи босқичларида камайтирилган унумдорлик билан нефть маҳсулоти берилишини таъминлайдиган асбоб-ускуна билан жиҳозланади.

44. Нефть маҳсулотларини қуйиш қуйиш рукавалари ва қувурларини цистерналарнинг тубигача тўлиқ туширган ҳолда суюқ қатлам билан, сачратмасдан амалга оширилиши зарур. Рукаванинг учларида зарба бўлганда учкун ҳосил бўлишига йўл қўймайдиган металлдан тайёрланган учликлар билан бўлиши ҳамда ерга уланган сими бўлиши керак.

45. Нефть маҳсулотининг автомобиль цистернасига (контейнер-цистернасига) бериладиган миқдори суюқлик ҳисоблагичлар ёрдамида автомобиль тарозиларида тортиш ёки цистерналарнинг номинал сизими бўйича аниқланади (планка бўйича). Автомобиль тарозиларининг юк кўтариш қуввати



автомобиль цистерналарининг барча турлари тортилишини таъминлаши лозим.

46. Фойдаланиладиган ҳисоблагичлар ва фильтрлар уларни нефть маҳсулотларининг босими, қовушқоқлиги, унумдорлиги ва бошқа маълумотлар бўйича қўллаш шартларига мос келиши керак.

47. Нефть маҳсулотларини қўйиш учун қўйилаётган автомобиль цистерналари (контейнер-цистерналари) ГОСТ 1510 талабларига асосан тайёрланган бўлиши лозим.

48. Автомобиль цистерналари ва контейнер-цистерналар нефть маҳсулотлари қўйилгандан кейин ташишларнинг амалдаги қоидаларига мувофиқ пломбаланиши керак, нефть маҳсулотлари олувчининг автотранспорти билан ташиб кетиш (ўзи олиб кетиш) ҳолатлари бундан мустасно.

49. Тарқатиш резервуарларидан қўйиш қурилмаларигача боғловчи қувурлар автотранспортга юклаб жўнатиладиган нефть маҳсулотининг ҳар бир маркаси (тури) учун алоҳида бўлиши ва амалдаги градировка (даражалаш) жадвали бўлиши керак. Улар орқали турли маркалар (турлар)даги нефть маҳсулотларини кетма-кет окизишга рухсат берилмайди.

50. Ёнғинга қарши инвентарлари бузилган ва улар билан бутланмаган автомобиль цистерналарига ҳамда контейнер-цистерналарига нефть маҳсулотларини қўйишга йўл қўйилмайди.

51. Атроф муҳитнинг ифлосланишини бартараф этиш мақсадида қўйиш қурилмалари, қўйиш операциялари тугагандан кейин, қўйиш қурилмаларидан нефть маҳсулотлари қолдиги оқишининг олдини олиш учун томчини тутадиган дренаж тизимига эга бўлиши керак.

52. Автомобиль цистерналарига нефть маҳсулотларини қўйиш двигатель ишламай турганда амалга оширилиши лозим.

53. Автомобиль цистерналаридан нефть маҳсулотларини қабул қилиб олувчининг резервуарига қабул қилиш (қўйиш) ҳайдаш насоси ва тўкиш муфтаси орқали ёки (контейнер-цистерналардан) ўз оқими билан амалга оширилади.

54. Тўкиш рукавалари учкун ҳосил қилмайдиган материаллардан тайёрланган учликлардан иборат бўлган, қатламларга ажралмаган ва ёриқлар бўлмаган, мой ва бензинга чидамли материаллардан ишланган бўлиши, қувурлар ва статик электр энергиясини қайтариш тармоғининг қабул қилувчи қурилмалар билан герметик бирикишини таъминлаши керак.

55. Нефть маҳсулотини тўкишда технологик асбоб-ускуналар, қувурлар, резервуарлар, беркитиш арматураси соз ҳолатда бўлиши керак.

56. Нефть маҳсулотларини қўйиш ва тўкишда ушбу Қоидаларда назарда тутилмаган қисмларида амалдаги идоравий йўриқномалар, техник нормалар ва қоидаларга амал қилинади.

#### **4-§. Идишга нефть маҳсулотларини қўйиб бериш**

57. ГОСТ 1510 га асосан идишга (бочкалар, бидонлар ва бошқаларга) нефть маҳсулотларини қўйиб бериш қўйиб берадиган, қадоқланади-

ган ёки тарқатиладиган бўлимлар орқали, белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Тарқатиш курилмасига нефть маҳсулотларини қуйиб бериш ўз оқими билан ёки бериш тўхтатилганда қувурда босим ошиб кетганда ишлаб кетадиган сақловчи клапанлар билан жиҳозланган насослар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

59. Нефть маҳсулотларини кичик идишларга қуйишда қуйидаги талабларни бажариш зарур:

металл, ёғочдан ясалган, полимер идиш амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бериши ҳамда нефть маҳсулотларининг сифати ва миқдори сақланишини таъминлаши керак;

қуйиш олдидан идиш тоза ва қуруқ бўлиши керак, зарур ҳолларда у яхшилаб буғланади, ювилади, қуритилади;

нефть маҳсулотларини бир марта ташиш учун ишлатиладиган ёғоч бочкалар ва яшиқлар, металл фанерли ва фанерли бидонлар ва барабанлар янги ва тоза бўлиши керак;

нефть маҳсулотини бевосита идишга қуйишдан олдин идишнинг ичи портлашдан химояловчи ёритгич ёрдамида кўздан кечирилади ҳамда чет буюмлар, кир ва лойлар аниқланганда — брак қилинади;

нефть маҳсулоти қуйилгандан кейин идиш қопқоқ билан зич ёпилади.

60. Тез аланга олувчи нефть маҳсулотлари фақат қопқоғи махсус калитлар билан бураб қотириладиган ва бураб бўшатиладиган металл идишга қуйилади. Идиш ва калитлар учқун ҳосил қилмайдиган металлдан тайёрланган бўлиши керак.

### **III боб. Нефть маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва аралаштириш**

#### **1-§. Нефть маҳсулотларини сақлаш**

61. Нефть маҳсулотлари турига қараб, ГОСТ 1510га асосан металл, темир-бетон (вертикал, горизонтал) резервуарларда, шунингдек ташиш (бочкалар, канистрлар, барабанларда) ва истеъмол идишларида (бидонлар, банкалар, шиша идишларда) кадоқланган ҳолда сақланади.

62. Нефть маҳсулотларини сақлаш резервуарлари ГОСТ 31385-2008 «Нефть ва нефть маҳсулотлари учун цилиндрсимон пўлат вертикал резервуарлар», ГОСТ 17032-2010 «Нефть маҳсулотлари учун горизонтал пўлат резервуарлар», идоровий техник нормалар ва қоидалар талабларига мос бўлиши, амалдаги градировка жадвалига эга бўлиши ҳамда белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилган бўлиши керак.

63. Нефть маҳсулотларини сақлашда резервуарларнинг ички юза қисмини занглардан тозалаш, химоя қилишнинг ГОСТ 1510 ва резервуарлардан фойдаланиш бўйича амалдаги йўриқномаларда белгиланган талабларига риоя қилинади.

64. Идишга солинган тез аланга олувчи нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бостирма тагида ва майдончаларда, махсус жиҳозланган биноларда сақланиши керак.

## **2-§. Нефть маҳсулотларини ташиш**

65. Нефть маҳсулотлари нефть маҳсулоти қувурлари, пастки қуйиш ва тўкиш қурилмалари билан жиҳозланган темир йўллар ҳамда автомобиллар цистерналари ва контейнер-цистерналарда, шунингдек солиб жойланган ташиш идишида ташилади.

66. Нефть маҳсулотларини ташиш қуйидаги тегишли транспортда ГОСТ 1510 ва юкларни ташиш қоидалари талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак:

темир йўл вагон-цистерналари ва контейнер-цистерналарда — хавфли юкларни ташишнинг техник нормалари ва қоидаларига мувофиқ;

автомобиль транспортида — Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларига мувофиқ.

67. Нефть маҳсулотларини ташишда ГОСТ 1510 ва амалдаги транспортнинг муайян тури билан юклар ташиш қоидалари талабларига риоя қилинади.

## **3-§. Нефть маҳсулотларини аралаштириш**

68. Нефть маҳсулотларини аралаштириш: битта қувур орқали турли хил ва турли маркали нефть маҳсулотини ҳайдашга, тегишли равишда тозаламасдан турли маркали нефть маҳсулотини идишга қуйишга йўл қўйилмайди.

69. Сифатини тиклаш учун турли маркали нефть маҳсулотларини аралаштиришга йўл қўйилмайди.

70. Нефть маҳсулотларини ғайриқонуний аралаштириш ҳоллари аниқланганда махсус тузилган комиссия томонидан нефть маҳсулотларини аралаштириш сабаблари, уларнинг миқдори ва сифатини тиклаш имконияти ёки бошқа маркага (турга) ўтказиш сабаблари кўрсатилган ҳолда тегишли далолатнома тузилади.

71. Нефть маҳсулотларини ғайриқонуний аралаштиришда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **IV боб. Нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш, сифатини назорат қилиш ва тиклаш**

### **1-§. Нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш**

72. Келиб тушаётган, сақланаётган, ташилаётган ва берилаётган барча нефть маҳсулотлари уларнинг миқдори бўйича ҳисобга олиниши лозим.

73. Нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш Ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган ва қиёслаш сертификатига эга бўлган, белгиланган тартибда қўлланишга рухсат берилган ўлчов асбоб-ускуналари ва воситалари билан уларнинг миқдорини ўлчаш йўли билан амалга оширилади.

74. Қиёслашдан ёки давлат метрология аттестациясидан ўтмаган ўлчов воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

75. ГОСТ 8.587-2006 «Нефть ва нефть маҳсулотлари массаси. Ўлчовларни бажариш методикаларига умумий талаблар»да белгиланган нефть маҳсулотлари миқдорини ўлчаш методлари қонуний жиҳатдан бир хил ҳисобланади ва методларни амалга оширишнинг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда технологик операцияларга мувофиқ равишда уларнинг аниқлигини баҳолаш асосида танлаб олинади.

76. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, беришда, шунингдек хатловдан ўтказишда уларни ҳисобга олиш амалдаги бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

## **2-§. Нефть маҳсулотлари сифатини назорат қилиш**

77. Нефть маҳсулотлари сифатини назорат қилиш транспорт воситасига беришда, сақлашда, шу жумладан узоқ муддат сақлашда ва уларни қабул қилишда амалга оширилади.

78. Нефть маҳсулотлари сифатини назорат қилиш амалдаги норматив ҳужжатларга ҳамда стандартларда ва идоравий техник нормалар ва қоидаларда кўрсатилган ҳажмларга мувофиқ олинган намуналар бўйича амалга оширилади.

79. Нефть маҳсулотлари сифатини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган ва аттестациядан ўтган лабораторияларда амалга оширилади.

Арбитраж намуналар бўйича нефть маҳсулотлари сифатини назорат қилиш манфаатдор томонларнинг келишуви бўйича танлаб олинган мустақил лабораторияда амалга оширилади.

80. Нефть маҳсулотларидан намуналар олиш, сифат тавсифини таҳлил қилиш бўйича барча операциялар тегишли далолатномаларда, шакллари идоравий техник нормалар ва қоидаларда белгиланган рўйхатга олиш дафтарларида акс эттирилади.

81. Сифати бўйича улар учун стандартлар талабларига мувофиқ бўлмаган нефть маҳсулотларини сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

## **3-§. Нефть маҳсулотлари сифатини тиклаш**

82. Аралаштириш, узоқ муддат сақлаш жараёнида нобуд бўлган ёки сифати бузилган нефть маҳсулотлари нефть маҳсулотини таҳлил этиш натижаларига кўра лаборатория тавсияномалари асосида сифати мос кел-

маганлиги аниқланган корхона раҳбари қарорига кўра тикланиши мумкин.

83. Нефть маҳсулоти сифатини тиклаш унинг талаб қилинган кўрсаткичлари бўйича захирасига эга бўлган шундай маркали нефть маҳсулоти билан аралаштириш йўли билан амалга оширилади.

84. Нефть маҳсулоти сифатини тиклаш мумкин бўлган кўрсаткичлар рўйхати идоравий техник нормалар ва қоидаларда белгиланади.

85. Авиация техникаларида қўлланиладиган нефть маҳсулотлари сифатини тиклаш қоидалари авиация техникасидан фойдаланадиган идоралар ва ташкилотларнинг тегишли ҳужжатлари билан белгиланади.

## **V боб. Ишлатилган нефть маҳсулотларидан фойдаланиш**

### **1-§. Ишлатилган нефть маҳсулотларини тўплаш, сақлаш ва ҳисобга олиш**

86. Ишлатилган барча нефть маҳсулотлари тўпланиши, сақланиши ва ҳисобга олиниши керак.

87. Фаолияти натижасида ишлатилган нефть маҳсулотлари ҳосил бўладиган корхоналар ишлатилган нефть маҳсулотларини тўплаш, сақлаш ва ташишни тартибга соладиган амалдаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилишини таъминлаши шарт.

88. Ишлатилган нефть маҳсулотларини тўплаш ГОСТ 21046-86 «Ишлатилган нефть маҳсулотлари. Умумий техник шартлар»да ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 сентябрдаги 258-сон қарори билан тасдиқланган Ишлатилган техник мойларни топшириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган гуруҳлар бўйича амалга оширилади.

89. Транспорт воситалари ва технологик асбоб-ускуналардан ишлатилган нефть маҳсулотларини тўкиш махсус қурилмалар ва/ёки уларнинг тўкилишига йўл қўймайдиган мосламалар ёрдамида амалга оширилади.

90. Ишлатилган суюқ нефть маҳсулотларини тўплаш тасодифий тўкилган нефть маҳсулотини тўплаш учун махсус металл тагликка ўрнатилган герметик сифимларда амалга оширилади.

91. Ишлатилган қаттиқ нефть маҳсулотларини тўплаш қопқоғи маҳкам ёпиладиган махсус пластик ва металл герметик сифимлар (бочкалар, яшиклар ва бошқалар) жойлаштириладиган полимер плёнкадан тайёрланган, тўғри тушадиган қуёш нуридан, ҳар қандай қизитиш таркибий қисмлари ва иситиш приборларидан узоқда жойлаштирилган пишиқ герметик қопларда амалга оширилади.

92. Ишлатилган ҳаво, ёқилғи, мой филтрларини тўплаш фақат ишлатилган суюқ нефть маҳсулотлари қолдиқлари олдиндан йўқ қилингандан кейин амалга оширилади.

93. Ишлатилган нефть маҳсулотининг ҳар бир тури алоҳида сифимда

йиғилиши, унда ишлатилган нефть маҳсулотининг номи ва гуруҳи (бўёқ билан ёки стикер тарзида) ёзиб қўйилиши керак.

94. Ишлатилган нефть маҳсулотлари ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини таъминлайдиган, уларнинг тўкилиш ва оқиб кетиш имкониятларини чеклайдиган шартларга риоя қилинган ҳолда, шунингдек юклаш-тушириш ишларини амалга оширишда юк кўтариш механизмларини қўллаш имкони бўлган, махсус ажратилган майдончалардаги ёпиқ сизимларда сақланиши керак.

95. Корхона ҳудудида ишлатилган нефть маҳсулотларининг тўпланиш жойи ва сақлаш участкалари чегаралари, шунингдек ишлатилган нефть маҳсулотларини тўплаш, сақлаш ва ҳисобга олиш учун масъул мансабдор шахс корхона раҳбари буйруғи билан белгиланади.

96. Ишлатилган нефть маҳсулотларидан такрор фойдаланиш ёки уларни ихтисослаштирилган шохобчаларга топширишдан олдин белгиланган тартибда аттестациядан ўтган ва аккредитация қилинган лабораторияларда физикавий-кимёвий хоссаларини таҳлил қилиш йўли билан уларнинг сифати назоратдан ўтказилиши керак. Таҳлиллар натижаси кейинчалик фойдаланиш учун нефть маҳсулотини муайян яроқлилик тоифасига киритиш мақсадида сифати тўғрисидаги ҳужжат билан расмийлаштирилиши лозим.

97. Корхоналарда ишлатилган нефть маҳсулотларини миқдори (массаси ва ҳажми) бўйича ҳисобга олиш бухгалтерия томонидан уларни тўплаш, сақлаш ва ҳисобга олиш учун жавобгар бўлган шахс тақдим қилган маълумотлар асосида моддий бойликларни ҳисобга олиш ҳужжатларида амалга оширилади.

## **2-§. Ишлатилган нефть маҳсулотларини топшириш ва қабул қилиш**

98. Ишлатилган нефть маҳсулотлари ихтисослаштирилган шохобчаларга топширилиши керак.

99. Ихтисослаштирилган тўплаш, сақлаш ёки қайта ишлаш шохобчаларига юбориладиган ишлатилган нефть маҳсулотларининг ҳар бир партиyasi белгиланган тартибда расмийлаштирилган миқдори ва сифати тўғрисидаги ҳужжатлар билан бирга юборилади.

100. Ихтисослаштирилган тўплаш, сақлаш ёки қайта ишлаш шохобчаларига ишлатилган нефть маҳсулотларини топшириш-қабул қилиш шартлари ишлатилган нефть маҳсулотларини етказиб берувчи корхоналар ва ихтисослаштирилган тўплаш, сақлаш ёки қайта ишлаш шохобчалари ўртасида тузиладиган шартнома билан белгиланади.

101. Ихтисослаштирилган тўплаш, сақлаш ёки қайта ишлаш шохобчаларига келиб тушган ишлатилган нефть маҳсулотлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишлатилган нефть маҳсулотларини қабул қилишни ҳисобга олиш дафтарида рўйхатдан ўтказилади.

**3-§. Ишлатилган нефть маҳсулотларини ихтисослаштирилган тўплаш, сақлаш ёки қайта ишлаш шохобчаларига қўйиладиган талаблар**

102. Корхоналар ёки ишлаб чиқаришлардан ташқарида, улар оладиган ишлатилган нефть маҳсулотларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширадиган ихтисослаштирилган шохобчалар қўйидагиларга мажбур:

қайта ишлаш ва фойдаланиш учун ишлатилган нефть маҳсулотларини уларнинг яроқлилигини тоифалар бўйича қабул қилиш, таҳлил қилиш ва турларга ажратишни шартномага мувофиқ амалга ошириш;

давлат экология экспертизасининг ижобий хулосасига эга бўлган лойиҳаларга мувофиқ қурилиши (реконструкция қилиниши) амалга оширилган қурилмаларда ишлатилган нефть маҳсулотларини қайта ишлаш ёки йўқ қилиш;

йўқ қилиниши лозим бўлган таркибида ўта токсик компонентлар (яримхлорланган бифениллар, яримхлорланган терфениллар ва шунга ўхшашлар) мавжуд бўлган ишлатилган нефть маҳсулотларини қайта ишлашга ва улардан фойдаланишга йўл қўймаслик;

жараёнларнинг экологиялигини ошириш ва қўшимча хом ашё манбаи сифатида ишлатилган нефть маҳсулотларини хўжаликда ишлатишга максимал жалб қилиш мақсадида қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш.

**4-§. Ишлатилган нефть маҳсулотларини жойлаш, маркалаш, ташиш**

103. Ишлатилган нефть маҳсулотлари II класс ёнғин хавфсизлиги ёнилғимойлаш материалларига мансуб бўлади ҳамда ҳар бир транспорт воситаси учун белгиланган амалдаги хавфли юкларни ташиш қоидаларига ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ташилиши лозим.

104. Ишлатилган нефть маҳсулотларини жойлаш ва маркалаш амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Идишда ёки ёрлиғида қўйидаги мазмундаги ёзув бўлиши керак:

ишлатилган нефть маҳсулоти гуруҳининг номи;

етказиб берувчи корхонанинг номи;

«Ёнғиндан хавфли» огоҳлантирувчи ёзуви.

105. Ишлатилган нефть маҳсулотларини ташиш уларнинг норматив ҳужжатлар билан белгиланган гуруҳлари бўйича алоҳида амалга оширилиши лозим.

106. Ишлатилган нефть маҳсулотларининг ҳар бир партияси уларнинг миқдори ва сифатини тасдиқлайдиган илова қилинган ҳужжатлари мавжуд бўлганда ташилади.

107. Транспорт воситасига ишлатилган нефть маҳсулотларини юклаш вақтидан тушириш вақтигача уларнинг хавфсиз олиб юрилиши учун жавобгарлик ушбу транспорт воситаси тегишли бўлган транспорт корхонасига юкланади.

**VI боб. Хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари****1-§. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш, бериш, сақлаш ва ташишда хавфсизлик**

108. Темир йўл цистерналарида нефть маҳсулотларини қабул қилиш ва беришда хавфсизлик қўйидагича таъминланади:

автоматлаштирилган шарнирли бириктирилган шлангсиз тизим ёки қўйишнинг автоматик чеклагичлари бўлган телескопик қурилмалар билан жиҳозланган махсус асбоб-ускуналар билан таъминланган тўкиш-қўйиш қурилмаларини, шунингдек механизация воситаларини қўллаш;

регенерация қурилмасидаги буғларни газ йиғиш тизимига чиқариб юборган ҳолда нефть маҳсулотлари қўйишни герметизация қилиш;

битта ва айнан ўша қўйиш қурилмаси орқали қўйиладиган нефть маҳсулотларининг аралашиб кетишига йўл қўймаслик;

тўкишнинг юқоридаги ҳамда пастки герметикланган қурилмалари билан тўкиш-қўйиш эстакадаларини (босимнинг кичик қисми билан юқори қовуш-қоқли нефть маҳсулотларидан ташқари) жиҳозлаш;

кейинчалик тиндириш ва қабул қилиш резервуарларидан бўш (товар остидаги) сувларни чиқариб юбориш учун қабул қилиш резервуарларига пастки ёки юқориги тўкиш қурилмалари орқали авиация ёқилғисини ва бошқа очиқ рангли нефть маҳсулотларини тўкиш;

дренаж тизимига ифлосланган ва тўкилган нефть маҳсулотларини чиқариб юбориш қурилмалари билан жиҳозланган қўйиш ва тўкиш зоналарини қаттиқ бетон билан қоплаш;

асосан қўйишнинг автоматик тарзда тез ҳаракатланадиган бекитиб қўювчи (нефть маҳсулотининг белгиланган ҳажмига, цистернани тўлдириш чекланган сатҳига етганда) тизимлари ва қувурлардаги тез ҳаракатланувчи беркитиш қурилмаларини ўрнатиш;

нефть маҳсулотини бериш линиясида беркитиш-бошқариш арматураси воситаси орқали нефть маҳсулоти сарфини тартибга солиш йўли билан хавфсиз чегараларгача қўйишнинг максимал тезлигини чеклаш;

портлаш хавфи бўлган аралашмалар ҳосил бўлишига йўл қўймаслик учун инерт газ ёки бугни тўкиш ва қўйиш қувурлари ва коллекторлари тизимига олиб бориш;

ишлаб чиқариш ишларини кеча-кундуз амалга оширишни таъминлайдиган ҳолда (заруриятга кўра портлашга хавфсиз бўлганда) ёритиш.

109. Автомобиль тўкиш-қўйиш станцияларида нефть маҳсулотларини қабул қилиш ва беришда хавфсизлик қўйидагича таъминланади:

нефть маҳсулотлари гуруҳлари бўйича автомобиль цистерналарининг қўйиш майдончасини бирлаштирган ва ёнмайдиган материаллардан ишланган бостирма остида уларни жойлаштириш;

қўйиш учун насосларни қўйиш қурилмаларидан алоҳида жойлаштириш;



тўқиш-қуйиш қурилмалари механизмларининг ихтиёрий ҳаракатланишига йўл қўймаслик;

тўқиш-қуйиш қурилмаларини буғ чиқариш қурилмалари билан таъминлаш;

белгиланган мўлжалга етганда автоматик тарзда қуйишни тўхтатиш имконини берадиган қуйиш сатҳини автоматик равишда чеклайдиган чеклагичларни қўллаш.

110. Тўқиш-қуйиш эстакадалари алоҳида турадиган яшин қабул қилиш жойини ташкил этиш йўли билан яшиннинг тўғридан-тўғри уришидан ва электромагнит индукциясидан ҳимоя қилинади.

111. Нефть маҳсулотлари билан тўқиш-қуйиш технологик операцияларини бажаришда статитик электр зарядлари тўпланиши ҳамда хавфли разрядларнинг вужудга келиши имкониятининг олдини олиш учун цистерналар, қувурлар, қуйиш қурилмаларини ерга сим билан уланиши, шунингдек қуйишнинг дастлабки ва якуний босқичларида қуйиш тезлигини чеклаш назарда тутилади.

112. Темир йўл тўқиш-қуйиш эстакадаларида, автомобиль станцияларида ва тўқиш-қуйиш шохобчаларида нефть маҳсулотлари тўйинган буғларининг портлашдан олдин концентрацияси сигнализаторлари ўрнатилади.

113. Қотиб қолган ва юқори қовушқоқ даражада бўлган нефть маҳсулотларини қиздириш нефть маҳсулотини циркуляция усули билан, қиздирилган буғ ёки портлашдан хавфсиз бўлган материаллардан тайёрланган электр иситгичлар ёрдамида амалга оширилади.

114. Электр иситгичлар қўлланилганда қиздириладиган нефть маҳсулоти билан туташ бўлган юзасидаги ҳарорат 90° С га етганда электр энергияси узатишни тўхтатадиган қурилма назарда тутилади.

115. Нефть маҳсулотларини ташишда хавфсизликни таъминлаш ишлаб чиқувчилари томонидан белгиланадиган ҳимояловчи чораларга риоя қилган ҳолда нефть маҳсулотларининг муайян турлари бўйича қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

ташилаётган нефть маҳсулотларининг ҳарорати ва босимига қўйиладиган талаблар;

нефть маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган идишга қўйиладиган талаблар;

битта сифим ёки идишдаги ташилаётган нефть маҳсулотларининг умумий массаси нормалари;

портлаш хавфи ва ёнғин хавфи бўйича махсус чора-тадбирлар;

атроф муҳит ҳароратига боғлиқ равишда нефть маҳсулотлари ҳажмининг кенгайиши оқибатида улар ҳажмининг кўпайиши имкониятини ҳисобга олган ҳолда темир йўл ва автомобиль цистерналарини нефть маҳсулотлари билан тўлдириш;

нефть маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган идишлардан хавфсиз такрорий фойдаланиш ёки уларни йўқ қилиш чоралари;

авария ҳолатлари, аварияларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш.

116. Нефть маҳсулотларини бериш, қабул қилиш, сақлаш, жойлаш ва ташиш, намуналар олиш, резервуарларни тозалаш билан боғлиқ барча операцияларни бажаришда ҳар бир корхонада амалда бўлган ва ишлаб чиқариш хусусиятини ҳисобга олувчи техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ҳамда ёнғин хавфсизлиги йўриқнома ва қоидаларига, хавфли юкларни ташиш қоидаларига риоя қилинади.

117. Нефть маҳсулотлари билан ишлашда норматив ҳужжатлар билан белгиланган индивидул ҳимоя воситаларини қўллаш зарур.

118. Нефть маҳсулотларидан фойдаланиш асбоб-ускуналаридан техник фойдаланиш ҳамда ишларни хавфсиз олиб бориш талабларига риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси) томонидан амалга оширилади.

119. Нефть маҳсулотларини сотиш ва улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

## 2-§. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш

120. Нефть маҳсулотларидан фойдаланиш уларнинг атроф муҳитга таъсир қилиш хавфига йўл қўймаслиги керак.

121. Нефть маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, тўкиш-қуйиш операциялари, ташишда технологик асбоб-ускуналар, гидравлик тизимларнинг (резервуарлар, қувурлар, шланглар, колонкалар ва шу кабиларнинг) герметиклиги таъминланади.

122. Нефть маҳсулотларидан фойдаланишда атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш қуйидагилардан иборат бўлади:

қонун ҳужжатларига, амалдаги норматив ҳужжатларга, нормалар ва қоидаларга риоя қилиш;

атмосфера ҳавоси, сув объектлари ва тупроқнинг углеводородлар билан ифлосланиш даражасини назорат қилиш;

таркибида нефть маҳсулотлари бўлган чиқиндиларнинг утилизация қилинишини ва ўз вақтида йўқотилишини назорат қилиш;

буғланиш ҳисобига нефть маҳсулотлари нобуд бўлишини қисқартириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

123. Таркибида нефть маҳсулотлари бўлган чиқиндиларнинг атроф муҳитни ифлослантиришининг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

ишлатилган нефть маҳсулотларини ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган сув, хўжалик-маиший, ёмғир сувлари ва саноат канализациялари объектларига тўкиш;

ишлатилган нефть маҳсулотларини маиший ва саноат чиқиндилари полигонларида, шунингдек уларни сақлаш (кўмиш) учун мўлжалланмаган жойларда жойлаштириш;

белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим бўлган таркибида токсик моддалар бўлган ишлатилган нефть маҳсулотлари ҳамда келиб чиқиши нефтдан бўлмаган маҳсулотлардан такрорий фойдаланиш.

124. Нефть маҳсулотларидан фойдаланиш натижасида атмосфера, тупроқ, сув ҳавзаларининг ифлосланишини назорат қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади.

### **VII боб. Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

125. Нефть маҳсулотларининг етказиб берувчилари, истеъмолчилари, ташувчилари ва нефть маҳсулотларидан фойдаланувчи бошқа ташкилотлар, корхоналар ушбу Қоидаларни бузганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан  
фойдаланиш қоидаларига  
ИЛОВА

**Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларининг етказиб  
берувчилари ва истеъмолчилари ўртасидаги  
ўзаро муносабатлар  
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	«Ўзнефтмаҳсулот» АК, «Ўзбекнефтгаз» МХК, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги  Вазирлар Маҳкамаси	1.1 Келгуси йил учун ресурслар ва нефть маҳсулотларини тақсимлаш моддий балансларини ишлаб чиқиш.  1.2. Келгуси йил учун ресурслар ва нефть маҳсулотларини тақсимлаш моддий балансларини белгиланган тартибда тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланган жадвалга асосан.
2-босқич	Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзнефтмаҳсулот» АК	Истеъмолчилар (вазирликлар, идоралар)га моддий балансга мувофиқ нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш ҳажмларини етказиш.	Ресурслар ва нефть маҳсулотларини тақсимлаш моддий баланслари тасдиқлангандан кейин бир ҳафта муддатда.
3-босқич	Истеъмолчи, етказиб берувчи	1. Лимитга кўра ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича нефть маҳсулотлари истеъмолчилари етказиб берувчига тасдиқланган ҳажмларга мувофиқ вилоятлар (нефть базалари) бўйича ҳар чораклик буюртманома берадилар. 2. Етказиб берувчи бошқа истеъмолчилар учун тасдиқланган ҳажмларга мувофиқ нефть маҳсулотларини биржа савдоларига кўяди.	Ресурслар ва нефть маҳсулотларини тақсимлаш моддий баланслари тасдиқлангандан кейин икки ҳафта муддатда. Ҳар ой учун тасдиқланган ҳажмларга мувофиқ.
4-босқич	Етказиб берувчи, истеъмолчи	1. Лимитга кўра ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича нефть маҳсулотлари истеъмолчилари етказиб бериш ҳажмларини, муддатларини, қийматини ва шартларини кўрсатган ҳолда етказиб бериш ёки олди-сотди шартномалари тузадилар. 2. Бошқа истеъмолчилар биржа савдолари яқунларига кўра биржа, харидор брокери ва етказиб берувчи брокери иштирокида нефть маҳсулотининг аниқ тури учун шартнома тузадилар.	Ресурслар ва нефть маҳсулотларини тақсимлаш моддий баланслари тасдиқлангандан кейин ўн кун муддатда. Белгиланган тартибда бир ҳафта муддатда.
5-босқич	Етказиб берувчи	Нефть маҳсулотларининг маркази, массаси, қиймати ва сифат тавсифлари кўрсатилган тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда етказиб бериш шартномасига кўра нефть маҳсулотларини беради.	Шартнома шартларига мувофиқ.
6-босқич	Истеъмолчи	Нефть маҳсулотларини уларнинг миқдорини ва сифатини текширган ҳолда қабул қилади.	Шартнома шартларига мувофиқ.
7-босқич	Истеъмолчи	Нефть маҳсулотларидан тегишли мақсадда фойдаланади.	Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш қоидаларига ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш шартномасига мувофиқ.